



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAX'SUS TA'LIM VAZIRLIGI
A. QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**CHET TILLARINI O'RGATISHNING TURLICHA
YONDASHUVLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari 2021 yil 1-iyun

**Proceedings of the International Scientific-Practical
Conference
DIFFERENT APPROACHES TO FOREIGN LANGUAGE
TEACHING: PROBLEMS AND SOLUTIONS
2021 June 1**

Jizzax 2021

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAX'SUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**CHET TILLARINI O'RGATISHNING TURLICHA
YONDASHUVLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2021 yil 1-iyun

**Proceedings of the International Scientific-Practical
Conference**

**DIFFERENT APPROACHES TO FOREIGN LANGUAGE
TEACHING: PROBLEMS AND SOLUTIONS**

2021 June 1

Jizzax 2021

УДК: 81.03 (075)
ББК: 74.268.1(07)
Э-59

**“Chet tillarini o’rgatishning turlicha yondashuvlari: muammo va yechimlar”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
Jizzax 2021. - 557 bet.**

Xalqaro miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to’plami – Jizzax: A. Qodiriy nomidagi jizzax davlat pedagogika instituti, Chet tillar fakul’teti, Ijtimoiy gumanitar fanlarda chet tili va tabiiy va aniq fanlarda chet tili kafedralari, 1-iyun 2021 yil 557 – bet.

Xalqaro miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallarida horijda va mamlakatimizda chet tillarni o’qitishni rivojlantirish, ta’lim sifatini oshirish, o’quvchi yoshlarning chet tillarni o’rganish bo’yicha ko’nikma va malakalarini oshirish, chet tillarni chuqur o’rganish, o’quvchi yoshlarning zamonaviy bilimga ega bo’lishi va professional ko’nikmalarni egallashlari, til o’rgatishning eng samarali va intensiv metodlarini ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etish, xalqaro aloqa vositasi sifatida chet tillarni o’rgatishning eng zamonaviy metodlarini amaliyotga tatbiq etish, chet tillarini o’rgatishda turlicha yondashuvlar, chet tilini o’qitish va o’rganishda muammolar va yechimlar, tilshunoslik, adabiyotshunoslik va tarjimashunoslikning dolzarb masalalari kabi turli masalalar chuqur tahlil qilingan.

Mazkur ilmiy-amaliy ma’ruza tezislar to’plamida xorijiy mamlakatlar hamda mamlakatimiz turli yo’nalish va mutaxassislik olimlari, OTMning professor-o’qituvchilari, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining ilmiy hodimlari, tadqiqotchilari, magistr va talabalarning ilmiy – tadqiqot ishlari natijalari mujassamlashgan.

Mas’ul muharrirlar: prof. A. E. Mamatov, fil.f.f.d. (PhD) I.T. Rustamov, fil.f.f.d. O. A. Xolmurodova, Sh. X. Djabbarov.

Texnik muharrirlar: X. M. Jumanazarov, X. J. Sayfullaev.

Tahrir hay’ati a’zolari: p.f.d., prof. Sh.S. Sharipov, b.f.n. dots. G’.O’. Qodirov, f.f.d., prof. A.E. Mamatov, , dots. v.b. A.J. Jabborova, dots. v.b. T.S. Kamilova, fil.f.f.d. O.A. Xolmurodova, Sh.X. Djabbarov, G’.B. Babajanova, Z.Sh. Yaxshieva, I. M. Ataboev.

To’plamga kiritilgan ma’ruza tezislarning mazmuni, undagi ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlarning to’g’riligi hamda fikr-mulohazalar, keltirilgan takliflarga mualliflarning o’zlari mas’uldirlar.

бир-бирининг ишини тўлдирадиган манфаатдор субъектларни шаклланишини тақазо этади. Албатта, таълим кластерларини юзага келиши, биринчи навбатда малака ошириш таълимига катта таъсир кўрсатади. Юқорида айтганимиздек, бу жараёнда малака ошириш тўла мустақил бўлмай, ёндош объектлар билан узвий боғланган институт сифатида малака оширишнинг бошқа шаклларига нисбатан тингловчиларни амалиёт билан кўпроқ таъминлаб бера олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев. Замонавий таълим технологиялари. Т.: “Фан ва технология нашриёти”, 2013., 24-бет. Жами 200-бет.
2. Махмудов Ш.Қ., Санакулов З.И., Шайхисламов Н.З., Қаршиева Д.Э. Cluster in pedagogical education. "Science and Education" Scientific Journal October 2020 / Volume 1 Issue 7. 587-593. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/567>
3. Тошпўлатов М. *Кластер: моҳият, самара ва истиқбол*. <http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/53616-klastr-mohiyat-samara-vaistiqbol>
4. Sanakulov, Z. (2020). Comparison of German and Uzbek word formation methods (on the example of abbreviations). *UzACADEMIA SCIENTIFICMETHODICAL JOURNAL*, 1(1), 45-50.
5. Sanakulov, Z. (2020). Lexicographic Aspects of the Word Formation System of German and Uzbek Languages. *International journal of Word Art*, (3), 142-151.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА ҚУШ КЎРИНИШИДАГИ КЎМАКЧИЛАР

**Ахмедова Сарвиноз Ҳикматовна Бухоро давлат университети таянч
докторанти**

Аннотация: Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек фольклорида куш кўринишидаги ҳомий кўмакчилар таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хос талқини ҳақида фикр юритилади..

Калит сўзлар: эртақ, фольклор, қаҳрамонлар, куш кўринишидаги кўмакчилар, образ.

Халқ оғзаки ижодида: хоҳ у эртақ бўлсин, хоҳ у дoston асосий қаҳрамоннинг яқин йўлдоши, ҳамроҳи, унинг ишларига, кўрсатган қаҳрамонликларига қайсидир даражада шерик бўладиган қатор персонажлар борки, бу тип қаҳрамонлар алоҳида ном билан аталишни тақазо қилади.[7;18]

Кўмакчи қаҳрамон эртақ ва дostonлардаги асосий образлардан биридир. У битта бўлиши ҳам мумкин, бир нечта ҳам. Қанча бўлишмасин, бош қаҳрамон ёнида турувчи, унга зарур ёрдамни кўрсатувчи бу образлар эпик асарларда муҳим ўринга ва аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

Кўмакчи қаҳрамонлар бош қаҳрамонга нисбатан ёрдамчилик вазифасида келиб, улар мавқеи жиҳатидан бадий деталга яқин туради. Кўмакчи қаҳрамоннинг бош қаҳрамон билан бир сафда, ёнма-ён туриб, уни ҳимоялаб келиши бош қаҳрамон мавқеига путур етказмайди. Гарчи бунда асосий фаолият кўмакчи қаҳрамон хатти-ҳаракати орқали юзага чиқса-да, унинг сабабчиси бош қаҳрамон бўлганлиги учун барибир у асосий эътиборда қолаверади.

Ҳам англиз, ҳам ўзбек халқ эртақларида от, илон, ит каби ҳайвонлар, сеҳргарлар, мифологик образлар кўмакчи қаҳрамон вазифасида келади. Ҳар иккала халқ фольклорида куш кўринишидаги кўмакчилар ҳам мавжуд. Масалан, “The Rose-Tree” (“Атиргул дарахти”) номли англиз эртагида ёвуз ўғай она қизини қасддан ҳалок этади, қиз эса куш кўринишида қайтиб, ўғай онадан ўч олади. Бу йўлда кичкина оппоқ кушга бир нечта эпик кўмакчилар ёрдами асқотади.

Ҳикояда баён қилинишича, бир одамнинг вафот этган хотинидан гўзал қизи, иккинчи хотинидан ўғли бор экан. Ўғай она қизни ёмон кўраркан. Бир куни қизни шам олиб келгани жўнатибди. Қиз шамларни итга ўғирлатибди. Онаси, сочингни тарайман, болта олиб кел, деб қизнинг узун сочларини кесиб, кейин бошини олибди. Юраги ва жигарини отасига пишириб берибди. Отаси ғалати таъм келяпти деб бош ирғитиб, барибир ебди. Укаси эса мажбурлашса ҳам емабди. Бокқа чиқиб, опасининг мурдасини бир қутига солиб, атиргул дарахти тагига кўмибди. Ҳар куни дарахт тагига ўтириб, кўз ёши ўша қутигача етиб боргунча йиғлабди. Бир куни дарахт гуллаб, устида оппоқ митти куш пайдо бўлибди. У жуда чиройли куйларкан:

“My wicked mother slew me,
My dear father ate me,
My little brother whom I love
Sits below and I sing above
Stick, stock, stone, dead!” [4;28]
 (“Золим онам мени ўлдирди,
Қадрдон отам мени еди,
Яхши кўрган укам эса
Пастда ўтирибди, мен тепада куйлаяпман”)

Этикдўзнинг ёнига бориб куйлаган экан, у яна бир бор куйлаб беришини сўрабди. Кушча эса эвазига қизил этикни сўрабди ва яна куйлаб, этикни бир оёғига кийиб олибди. Соатсоздан тилла соат ва занжир олиб, яна куйлабди. Ишлаб турган уч тегирмончидан тегирмон тошини бўйнига илишни сўраб, яна куйлаб, уйига келибди. Эшикни тегирмон тоши билан бир урган экан, момақалди роқ деб ўйлашибди уйдагилар. Укаси эшикдан чиқса, оёғининг тагига қизил этик тушибди. Отаси чиқса, тилла соат билан занжир тушибди. Ўғай она “Момақалди роқ менгаям бирор нарса берар”, – деб чикқан экан, тегирмон тоши тагида қолиб вафот этибди.

Ўзбек фольклорида куш кўринишидаги кўмакчиларга Семурғ, Анко, лайлак, ғоз кабиларни мисол қилиш мумкин. Халқ эртақларида кўпинча афсонавий кушлар патини тутатиш орқали ғайриоддий кўмакка эришиш мотиви туркий халқлар эртақчилигида кенг тарқалган. Масалан, ўзбек халқ эртақларида Семурғ деган улкан куш поллопонларини қутқарган бош қаҳрамонни ер ости оламидан ёруғ дунёга олиб чиқади-да, бир дона патини бериб кетади. Қаҳрамон ўз бошига мушкул иш тушганида ана шу патни куйдириб, Семурғни ёрдамга чақиради. Бу типдаги эртақларнинг барчасида куш патининг магия хусусияти бевосита олов ёрдамида, яъни куйдирилгандагина намоён бўлади. [3;22]

Хуллас, эпик асарларда ҳомий персонажлар турли кўринишларда намоён бўлади. Бу образларнинг келиб чиқиши бевосита халқнинг исломий эътиқодгача бўлган қадим анимистик, тотемистик ва шомонистик дунёқараши, мифологик тасаввур-тушунчалари билан алоқадордир.

Адабиётлар:

1. Akhmedova, S.H. (2020). Analysis of general characteristics of the most studied fairy tale genre in English and Uzbek folklore. *Theoretical & Applied Science*, (6), 134-136.
2. Vladimir Propp. *Morphology of the tale*. Leningrad:1928
3. Djumayeva N. D. Specific features of magic musical instruments in English and Uzbek folklore // *Теория и практика современной науки*. – 2018. – №. 4. – С. 21-24.
4. Joseph Jacobs. *English Fairy Tales and More English Fairy Tales*. Edited by Donald Haase. –Oxford, England. 1911
5. Сунбул билан гул. Ўзбек халқ эртаклари. Тўпловчи С.Аввалбоев. Тошкент:2018
6. Umurova X. Semantical Features Of Folklore Samples // *Solid State Technology*. – 2020. – Т. 63. – №. 4. – С. 5207-5212.
7. Эшонкул Жаббор. Эпик ижодда кўмакчи қахрамон масаласи. Эпик тафаккур тадрижи. – Т.: Фан, 2006

ВЫРАЖЕНИЕ БУДУЩЕГО ВРЕМЕНИ В НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

С.С. Худоев преподаватель БухГУ

Аннотация: В статье рассматриваются возможности выражения будущего времени в немецком языке. Особое внимание уделяется контекстуальным употреблением временных форм презенса и футур I.

Ключевые слова: временная форма, абсолютное употребление, относительное употребление, момент речи.

Существует в языкознании понимание относительного употребления времён [1; 58], согласно которому временные формы при этом выражают не темпоральное отношение между двумя действиями, а отношение действия к тому или иному временному плану, исключая момент речи. Причём этот временный план может выражаться не только глагольным действием, но и прямым указанием на время с помощью обстоятельного слова, или просто подразумеваться. Такое понимание относительного употребления времён представляется неверным, так как имеется существенное различие между временным отношением двух действий друг другу и отнесением действия к тому или иному временному плану, обозначенному лексически.

При темпоральном отношении двух действий друг к другу время одного действия грамматически соотносится с другим и определяется не моментом речи, а временем совершения главного действия. С моментом речи относительное действие соотносится лишь опосредствованно постольку, поскольку время главного действия определяется моментом речи. Это наглядно видно на примерах типа: *Nachdem ich meine Arbeit erfüllt habe, werde ich dich besuchen*. Если исходить из момента речи, то работа ещё не выполнена и, следовательно, употреблять перфект было бы нельзя. Его употребление возможно только с точки зрения главного действия, с которым оно соотносено. Если отбросить главное предложение, то временная отнесённость придаточного предложения изменится или, в крайнем случае, станет неопределённой. При отнесении действия к какому – либо временному плану, обозначенному лексически, оно соотносится, в первую очередь, с момента речи, и время действия определяется именно моментом речи.

В.О. ИСАНОВА, К.Х. ОРИФЖОНОВА , - Валентликнинг лисоний-функционал тадқиқи	356
Н.Т. НАРЗИЕВ , - Сўз ясовчи бирликларнинг семантик муносабати	359
О.Б.МАЛЛАЕВА , - Хориж мактаблари ўқитувчиларининг билвосита малака ошириш курслари бўйича қарашлари	363
С.Ҳ.АХМЕДОВА , - Инглиз ва ўзбек халқ эртақларида қуш кўринишидаги кўмакчилар.....	366
С.С. ХУДОЕВ , - Выражение будущего времени в немецком языке	368
У.С.ОЧИЛОВ , - АҚШ ва ўзбек адабиётшунослигида натурализм адабий оқимиға муносабат	370
Ф. НАРБЕКОВ , - Артур Конан Дойль илмий фантастикасида инсон омили талқини.....	374
Ф.НОРБЕКОВ, Ў.МУҲАММАТОВ , - Илмий фантастиканинг поэтик хусусиятлари	379
Д. ХОЛМАТОВ , - Модал сўзларнинг морфологик тузилиши	383
Ш. Х. ДЖАББАРОВ , - Инглиз ва ўзбек тилларида синхроник ва динамик вақтнинг концептуал симметрик асослари.	385
А.А. SHARIPOV , - Linguocultrological characteristics of genuine translation in english and uzbek language translators	388
Н.К. ЮНУСОВ , - Инглиз тилида ёзилган ва криминал контентга эга бўлган газета дискурсининг хусусиятлари	390
Н. ЖАЛГАСОВ , - Провербиальные образования, характеризующие поведение и образ жизни человека	392
Е.М. YUSUFALIEV , - Ta'limga oid pedagogik terminlarning lingvistik tadqiqi.....	395
К.А. ABDUMANNONOV , - Issues of translation of phraseological units when compiling a phraseological minimum (on the example of phraseological units of the semantic field "joy and happiness")	399
Т.А. АБДУСАЛЯМОВА , - Интерпретация синтаксических трансформаций при переводе текстов с китайского на русский язык.	404
Д.А. РАХМАТУЛЛАЕВА , - Инглиз тили неологизмларининг семантик таснифи.....	407
G.SH. ABSALAMOVA , - Fransuz mutafakkiri Michel de Monten farzand tarbiyasi xususida	409
Н. ХУШИЕВА , - Инсоният маънавий ривожланишида таржима назариясининг хронологик босқичлари	411
S. T. XUDOYOROVA , - Ingliz va o'zbek tillarida toponim komponentli frazeologik va paremiologik birliklarning kelib chiqish manbalari.	414
SH. XASANOVA , - Rus tilshunosligida frazeologizmlarning tadqiqi	416
M. TURSUNBOYEVA , - A study of the concept of "hayo-ibo" in translation from Uzbek to English	420
F.R. TURG'UNOVA, U. FAYZULLAYEVA , - Gazeta va jurnalistik uslubning xususiyatlari.....	421
X.SOLIEVA , - Muallif bayonida kinoya (istehzo) mazmunining namoyon bo'lishi	424
Н. АБРАИМОВА, Н. САМАНДАРОВА , - Цицерон таълимоти ва унинг таржимаға бўлган муносабати	426

**CHET TILLARINI O'RGATISHNING TURLICHA
YONDASHUVLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

Muharrir: **T.Ergashev**
Musahhah: **J.Murtozaev**
Sahifalovchi: **S.Normuhammedov**

Guvohnoma № 14-0003, 30.04.2020
Ofset qog'oz. Bosishga ruxsat etildi 31.05.2021.
Format A4. Garnitura «Times New Roman».
Shartli bosma taboq 30,87
Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 14

JDPI Tahririy-nashriyot bo'limida chop etildi.
130100, Sh.Rashidov shox ko'chasi, 4-uy
Tel./faks: (+99872) 226-02-93
(+99899) 525-67-99